

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«ФАЛСАФА» КАФЕДРАСИ

**«ПСИХОЛОГИЯ»
фани бўйича ноёб сўз ва атамаларнинг**

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

ФАРГОНА-2009

Изоҳли луғатдан “Педагогика.Психология” фанидан фойдаланиш мумкин. Ушбу фан юзасидан маъруза, семинар машғулотлари, мустақил таълимга тайёргарлик кўриш учун тавсия қилинади.

ТУЗУВЧИ :

УСМОНОВА М.

Мазкур Изоҳли луғат «Фалсафа» кафедраси йиғилишида муҳокама этилган ва чоп этиш учун тавсия қилинган.

Баён №_____ 2009 йил.

Институт Услубий кенгashi томонидан тасдиқланган.

Баён № “_____” 2009 й

Сўзбоши.

Жамиятимизда таълим-тарбия тизимини соғлом инсонпарварлик йўналишида қайта ташкил этиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол, маънавий дунёси бой, ахлоқий пок, комил инсонларни тарбиялаш кечикитириб бўлмайдиган, давлат аҳамиятига, молик вазифа бўлиб турибди. Бу эса Психология фанини янги концепция асосида ишлаб чиқишни ва ўқитишни долзарб муаммо қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида» бозор иқтисодиёти ва янгича технология шароитида ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Ўқув юртларида таълим тарбия жараёнларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, янги таълим усуллари, педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, ёшлар таълим тарбиясини миллий мафкура, умуминсоний қадриятларни билиш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқатлилик рухини таркиб топтириш асос қилиб олиниши лозим.

Психология фани ўз олдига бўлажак мутахассисларни ҳалқимизнинг ўзига хос маънавиятини руҳига мос тушадиган педагогик билим, кўникма ва малакалар билан мукаммал қуроллантириш орқали уларда миллий тафаккур, одоб-ахлоқ, тарбияни таркиб топтиришни мақсад қилиб қўяди.

Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар учун Психология фанининг аҳамияти нихоятда каттадир.

Изоҳли луғатлар Психология фанида мухим бўлган атамалардан фойдаланиш учун тавсия этилмоқда.

Тузувчи:

УСМОНОВА М.

**МАТНДАГИ ТУШУНИЛИШИ ҚИЙИН БЎЛГАН СЎЗЛАР ЛУҒАТИ
(ГЛОССАРИЙ)**

Аффект (латинча *affectus* – руҳий ҳаяжонланиш, қизиқиш) қисқа муддатда ва шиддат билан содир бўладиган ҳиссий, ҳаяжонли жараён: ҳулқ-автор, ҳатти-ҳаракат устидан назоратнинг сусайиши туфайли рўй берадиган кучли ҳис-туйғу (газабланиш, қўрқиши, нафратланиш, шодланиш). Мутахассислар нормал ва патологик аффектлар борлигини, шунингдек, аффектив реакцияларга озроқ ёки кўпроқ мойил бўладиган шахслар ҳам бўлишини таъкидлашади. Ўзида аффектив реакцияга нисбатан ҳисларга эрк бермаслик инсондаги нормал психик ҳолат ҳисобланади. Аффектлар таъсирига бериувчи кишилар одатда оломон орасида саросималик уйғотишига мойил бўладилар.

Англаш – психик мазмунни онгизлиқдан актив белги шаклига кўчиришдан ибоарт психик жараёни бўлиб, бу мазмунни бошқа кишиларга етказиб бериш имконини беради. Англамоқ ўзига хабар бермоқ, ўз тажрибаси ҳисиёти, эҳтиёжи, қизиқиши ва б. тўғрисида ўзига тушунтириш демақдир. Англаш демак нимадир тўғрисида ўз-ўзига ҳисоб беришдир. Субъектив ҳолда у ёки бу вазият, кечинма ва бошқаларни аниқ-равshan ва назорат қилинадиган инъикосидир.

Амалий психология – ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларидағи амалий вазифаларни ҳал қилишда фойдаланилайдиган амалий билимлар ва технологиялар мажмуасидир. Амалий психологиянинг муҳим хусусияти шундаки, у ёки бу вазифалар уларнинг манфаатлари учун ҳал этилаётган истеъмолчи ёки буюртмачини ҳамиша кўрсатиш мумкин.

Ақл – инсоннинг маънавий ва руҳий фаолиятида барча олий нарсалар ходиасларни қандай бўлса, айнан шундай ҳолда билиш қобилияти, мавхум фикрлаш ва тушунчалар яратиш хусусияти.

Аҳлоқ - ижтимоий онг шаклларидан биридир. Кишиларнинг тарихан таркиб топган ҳулқ – автори, юриш – туриш, ижтимоий ва шахсий хаётга ўзаро, шунингдек жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарормуайян норма ва қоидалар йигиндиси.

Аттракция – (лотинча сўз – *attrahere* – ёқтириш, ўзига жалб этиш) – бу бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёқиши ва ёқтириш, ўзаро мобилликни тушунтирувчи эмоционал ҳисдир.

Алоқа – макон ё вақтда бир – биридан муайян масофада узоқликда жойлашган икки ёки бир неча ҳодиса ё объектнинг ўзаро боғланиш ҳодисаси.

Англаш - психик мазмунни онгизлиқдан актив белги шаклига кўчиришдан иборат психик жараён бўлиб, бу мазмунни бошқа кишиларга етказиб бериш имконини беради. Англамоқ ўзича хабар бермоқ, ўз тажрибаси ҳисиёти, эҳтиёжи, қизиқиши ва бошқалар тўғрисида тушунтириш демақдир. Англаш демоқ нималар тўғрисида ўз – ўзига ҳисоб беришдир. Субъектив ҳолда у ёки бк вазият, кечикма ва бошқаларни очиқ – равshan ва назорат қилинадиган инъикосидир.

Аглерация – оломон

Билиши – оламнинг инсон онгидаги инъикос этиш жараёни . инсон ўзини қамраб олган атроф – муҳит тўғрисида билиш ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон бир тури билан шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули

натижаси билим бўлиб, хар қандай касбни эгаллаш фақат билим орқали рўй беради.

Виждон – ижтимоий ходиса бўлиб, кишининг хаётида содир бўлаётган ижобий ва салбий ходисаларга муносабатида ифодаланади. Виждон кишининг маънавий етуклигига боғлик.

Гуруҳларнинг тузилиши – гуруҳ қисмларининг кичик гуруҳларга нисбатан барқарор бўлиниши, гуруҳга киравчи кишилар ўртасида гуруҳ вазифаларининг тақсим қилиниши.

Галлюцинациялар (лат. *hallucinatio* - алаҳсираш, кўзга кўриниш) инсонда касал пайтидаги психикасига таъсир этиши натижасида ҳосил бўладиган мавжуд бўлмаган, фантастик, хаёлий, уйдирма образлар.

Гуруҳ динамикаси (грекча *dynamis* – куч) – бу гурухнинг ўз ҳолатини ўзгартирадиган, ривожлантирадиган ёки бузадиган кучларнинг ҳамкорлиқдаги жараёнидир. У асосан икки хил йўналишдаги жараёнларда кўзга ташланади: гуруҳ аъзоларининг бирлашуви ва аксинча, кескинлашуви.

Гуруҳ муносабатлари – а) гуруҳ фаолиятининг характер ива мазмуни; б) гурухнинг умуман структурадаги ўрни, қадриятли бирлиги ва б. характеристикиси; в) гуруҳ аъзоларининг социал индивид сифатидаги ўзаро шахсий муносабатлари; г) бу муносабатларга жалб қилинган кишиларнинг индивидуал позицияларига кўра гуруҳда унинг аъзолари ўртасида қарор топадиган муносабатлардир.

Гуруҳ роли (ўрни) – гуруҳ учун бажарадиган вазифасига кўра инсоннинг шу гуруҳдаги барқарор, мустаҳкам ҳолати (ўрни, позицияси).

Гуруҳ – умумий бўлган бир ёки бир неча белгиларга кўра бирлашган кишилар йиғиндисидир.

Гурухнинг бирдамлиги - фикрлар бирлиги, эътиқодлар, анҳаналар бирлигига, шахслараро муносабатлар, кайфиятларнинг ижобий характеристида ва гуруҳ психикасининг бошқа белгиларида, шунингдек, ҳамкорлиқдаги амалий фаолиятнинг бирлигига намоён бўладиган гуруҳ аъзолари бирлигининг психологик характеристикасидир.

Гипотеза – ўрганилаётган зходисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунирадиган асосли таҳмин тарзидаги билим шакли.

Гуруҳда кучларнинг муносабати – бу гурухий жараёнларни ҳамда гуруҳ аъзоларининг ҳулқ-авторини назорат қилиш имкониятларининг гуруҳ обьектлари ўртасида тақсимланишидир. Лидерлик тушунчасида, гуруҳ динамикаси ва ш.к. ларда намоён бўлади.

Гений – бу янгиликларни яратувчи ва кашф қилувчи шахс.

Дунё образи - инсонга дунёда ҳаракатлана олиш учун мўлжал бўлиб хизмат қиласидиган олам тўғрисидаги, бошқа кишилар, ўзи ва ўз фаолияти тўғрисидаги бир бутун, яхлит қўп даражали тасавурлари тизимиdir. Бу субъектив кечинмалар тилида яратилган ташқи дунёнинг ички моделидир. Таъкидлаш лозимки, бу оламни идрок қилиш натижасида ҳосил бўлган, ички режага ноавтоматик тарзда кўчирилган образлар эмас, балки ҳаётий фаолликнинг ҳар бири кейинги моментидаги ходисаларни башорат қила оладиган, чукур

аңгланмаган тахминлар асосида актив қурилган тизимдир. Ўзини ва ташқи оламни фаол ўзлаштириш давомидаги текшириш усуллари билан (синов ва хатолар) яратилади.

Диққат – онгнинг муайян объектлар тўплами, жараёнларга (ташқи ёки психикага боғлиқ) танланган ҳолда йўналтирилишидир. Баъзан назорат ва ўз-ўзини назоратни ҳам диққатга киритишади.

Дунёқараши – тартибга солинган, ақлий онгли тизимга айлантирилган билим, таасвурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

Дил- жон, қалб, юрак, кўнгил марказий осиё фалсафий тафаккурида ушбу тушунчалар деярли бир хил маънода ифодаланиб борлиқнинг номоддий асосида ҳамда инсоннинг туб моҳиятини ифодалаш учун хизмат қилиб келган.

Девиант хулқ – автор – ижтимоий девиантликни киритиб чиқарувчи хулқ – автор

Дадиллик – кишининг хаёт ва омонлиги учун омон бўлган кишиларни енгишда кўринадиган ирода кучидир.

Дўстлик – ўзаро бир- бирини тушунувчи 2 инсон ўртасида юзага келувчи эмоционал ижобий хисдиродатда бир жинс вакиллари орасида юзага келади.

Жамият – табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча одамлар уюшмасининг маҳсус шакли кишилар ўртасида амал қиласидиган қўплаб муносабатлар мажмуасидир.

Индивид – одамзоднинг вакили, ўзига хос тақрорланмас хусусиятлар эгаси ҳисобланиш одам.

Инновация – ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.

Идрок – субъект томонидан унинг онгига нисбатан ташқи дунёдан ажратиб олинадиган баъзи бутунлик ва яхлитликларнинг билиш жараёни ва ҳаракатлари давомида онга акс эттирилишидир (бунга бошқа кишилар ва инсон ўз танасини акс эттириш ҳам киради). Айтайлиқ, инсоннинг ўз танасининг соғлиги ёки носоғломлиги тўғрисидаги ички аъзолардан келаётган сигнал натижасида шаклланадиган образни идрок этиш ҳам, этмаслик ҳам мумкин. Кўпинча эса идрок деганда табиий ва социал дунёдаги предметларни инъикос эттириш тушунилади. Объект бўлса ташқи муҳитда тайёр ҳолда бўлади-ю, у инсонга таъсир қиласи ва натижада у инсон томонидан автоматик тарзда акс эттирилади, англанади, десак, унчалик тўғри эмас. Аксинча, инсон тартибсиз ҳолдаги кечинма ва тасаввурлар орасидан баъзи объектларни ажратиб олади ва бу билан гўёки ушбу тартибсизликларни тартибга келтиради. Инсон сезги аъзоларига таъсир қилиш учун бирон нарса идрок этилди, англанди дейишга ҳали эрта. Предмет ёки предмет эмас деб ҳисоблаш инсоннинг ўзига боғлиқ; ким учундир ташқи муҳитда мусиқавий овоз ва шовқинлар, уларда уйғунлашмаганлик (диссонанс) ва уйғунлик (консонаж); кимгадир эса машинанинг ишлашидан дарак берувчи шовқин ёки ҳайвонлар томонидан чиқарилаётган овозлар, ким учундир сухбатдошнинг нутқидаги мантикий урғу

беришлар, кимгадир турар жойларни муваффақиятли ёки муваффақиятсиз режалаштириш ва бошқалар. Кимлар учундир эса, агар у бундай нарсаларни билмаса, улар гүёки йўқдек «зўр бериб эшитмаслик ва кўрмаслик» пайда бўлади.

Ирода – инсоннинг ўз психикаси ва ҳатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқара олишида намоён бўладиган хусусияти (ҳолати) дир. Ирода онгли тарзда ўз олдига қўйган мақсадига эришиши йўлида рўй берадиган тўсиқларни енгиб ўтиш давомида намоён бўлади. Уни ўз-ўзини зўрлаб қийнаш билан тенглаштирмаслик керак. Ирода ҳамма вақт ҳам ўз-ўзини мажбурлаш билан боғлиқ эмас. Бу барибир ўз мақсадига эришишиши йўлида ишонч, келишиш, айёрлик, ўргатиш, ўз хусусиятларидан моҳирона фойдаланиш (одатлар, стандарт реакциялар, заифликлардан) бўлиши мумкин.

Ижтимоий норма – шахс хайтида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзоларихулқ – авторига наслабатан ишлаб чиқсан ва қўпчилик томонидан эътироф этилган харакатлар талаби.

Ижтимоий санкция – нормаларнинг шахс хулқида номоён бўлишни назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизми.

Истеъдод нишоналари – қобилиятни ўстиришнинг табиий заминлари (уларнинг биологик асоси). Улар туғма ёки эгалланган бўлиши мумкин. Уларни рўёбга чиқмаган қобилияtlардан ҳам фарқлаш лозим. Фарқ шундаки, истеъдод нишоналари инсон хусусиятлари ва фазилатларидаги шундай биологик жиҳатларки, улар кейинчалик у ёки бу қобилиятга унинг компоненти бўлиб қўшилади. Бир хил биологик жиҳат бир қанча қобилияtlар таркибиغا кириши мумкин ва шундай таркибда истеъдод нишоналари ролини бажара олади.

Индивидуаллик - инсоннинг индивид, фаолият субъекти ва шахс сифатидаги бетакорр хусусиятлари тизимиdir. Индивидуалликнинг мавжуд бўлиши инсоннинг таълим, тарбия, у билан фаол муносабатидаги индивидуал ёндашувининг асоси ҳисобланади. «Ҳар бир кишигача этиб бориш» - бундай ёндашувнинг идеалидир. Индивидуалликни инкор этиш (нодонлик, ишонч ёки кам англанган ҳаракат туфайли, масалан, техник ёки умумилмий ғояларнинг оддий формуулаларига сифиниш оқбатида) зарурий тарзда бир қатор салбий оқибатларга олиб келади (шахслараро ва шахслар ичидағи кескинлик, ихтиrolар, руҳий жароҳатлар, низолар иштирок этганларнинг асабий ҳолатлари ва таълим, тарбия, меҳнатдаги паст самарадорлик натижалари сифатида).

Интеллект, ақл – инсон ҳаёти давомида билиш фаоллигига тегишли бўлган барқарор ўзига хос ва ривожланиб борувчи хусусиятлар ва сифатлар тизими, унинг ички ва ташқи ҳаётий ҳолатлар, жумладан, ижтимоий муҳитда ҳам оқилона мўлжал ола билишдир. Одатда субъектнинг фаолият соҳасига боғлиқ ҳолда социал интеллект, техник интеллект, гуманитар интеллект, вербал, яъни оғзаки, новербал интеллектларни фарқлашади.

Илмий психология – инсон ва ҳайвон психикаси тараққиёти, пайдо бўлиш ва мавжуд бўлиши қонуниятларини аниқлашда фойдаланиладиган технология ва мураккаб тармоқланган белгилар тизимиdir. Илмий психологиянинг асосий вазифаси – янгиликни аниқлаш эмас, балки бир томондан ишонарли билимлари

эгаллаш, бошқа томондан эса, қайси ўринда улар ишонарли, қай ҳолда эса ёлғон ва ноаниқ эканлигини айниқлашдан иборатдир.

Ижтимоий установка - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ходисаларни, объектларни, идтимоий гурухларга маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамлардаги дунёқарашибни ҳам ўзгартиришга алоқадор категория.

Инсон – тушунчасига аниқ тариф бериш учун оламда мавжуд бўлган бошқа биологик мавжудодлардаг ажралиб турувчи энг мухим хусусиятларни аниқлаш зарур.

Инсонпорварлик – гуманизм одамларга меҳр – муҳаббат билан қарашиб, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишилардаюксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ғоялари билан суғорилган дунёқарашиб.

Инсоф – инсоннинг муайян жамиятда амал килаётган ахлоқ меъёрини назорат қилиш ва ахлоқий баҳолаш.

Идеал – орзу интилишнинг олий мақсади. Тор маънода: шахс қобилиятларини ифодаловчи намуна.

Иллюзия – тана азоларимизга бевосита таъсир этиб турган нарса ва ходисаларни нотўғри (ноадекват) идрок қилишдан иборат билиш жараёнининг ходисаси.

Инсайт – ойдинлашув. Муаммонинг ечими, баъзан бирдан ёрқин юлдуздай ялт этиб пайдо бўлади. Бундай психологияк холат психологияда инсайт – ойдинлашув дейилади.

Ижтимоийлашув – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва хаёт фаолият жараёнинда уни фаол тарздаўзаштириш жараёни.

Image – образ

Конформизм (лат. conformis – ўҳшаш, мос келадиган) – инсон томонидан ўзининг ҳақлигига ичидан шубҳаланмайдиган фикридан носамимий равища қайтиш туфайли бошқаларнинг фикрларини (эҳтимол, нотўғри бўлса ҳам) танқидсиз қабул қилиш.

Кундалик онг - кишиларнинг бевосита кундалик тажрибасига асосланадиган ва улар мансуб бўлган социал жамоаларда хукмронлик қилувчи тасаввурлар, билимлар, тушунчалар ва ҳаракатларнинг йигиндишидир.

Кайфият – инсоннинг психик ҳаётида намоён бўладиган, ўртамиёна ёки заиф самарадорликнинг нисбатан давомий, барқарор, эмоционал ҳолати бўлиб, у ёки бу ҳиссиётнинг устунлиги билан характерланади.

Кичик гуруҳ – умумий ишни бажарадиган ва бир-бирлари билан бевосита шахсий алоқада бўлган, З тадан 20-30 тагача кишидан таркиб топган, учалик катта бўлмаган кишилар тўпламидир. У гуруҳ аъзоларининг ҳамдард бўлиши, «биз» эканлигини ҳис этиши билан боғлиқ хусусиятларга эга.

Лидерлик – гурухдаги шахслараро муносабатлар тизимида ҳукмронлик ва бўйсунувчанлик, ҳокимлик ва қарамлик муносабатларидир.

Малака – фаолиятнинг автоматлаштирилган кўникмаси, мустаҳкам маҳоратидир. Бошда онгни назорат қилинадиган ва бир меъёрдаги ҳаракат бўлган нарса ҳар бир кишига турмуш тажрибасига кўра автоматлаштириши мумкин. Кўникмалар фақат осон пайқаш мумкин бўлган ҳаракатчан бўлмайди, балки фикрловчи, социал-киришувчан, ташкилотчи ва бошқача ҳам бўлади. Автоматизмдан иборат бўлгани ҳолда кўникмалар айни пайтда ишда ижоднинг зарурий шарти ҳисобланади (бунга тушунарли мисол қўйидагича: шу созанда ўз асбобида мусиқа чалишнинг зарур техникаси, кўникмасини ҳосил қилгунга қадар у ижодкор бўла олмайди, чунки у хали «музиқий» асбоблар клавишаларини, позициялар ва б. ни чалкаштириб қўйишдан қўрқади).

Мулоқотдаги конструктивлик – ҳамкорларнинг алоқаси давомида уларнинг эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган, биргаликда ҳал қилинаётган масалаларнинг ижобий ечим топишига ёрдам берадиган, уларнинг индивидуал бетакрорлигини сақлаб қоладиган мулоқотдир. Мулоқотдаги конструктивлик (яратувчанлик) тушунчаси кишиларнинг мулоқот давомида ўз салоҳиятини ўстириш, шахсий ўсиши, социал етукликнинг шаклланиши томон ҳаракатланиши йўналишини кўрсатади.

Муносабатнинг ўзгариши (деформация) – бу муносабатлардаги шундай ўзгаришларки (бузилиш, қийинчиликлар, янглишишлар), улар муносабатдаги самарадорликнинг пасайиши ёки бузилишига, ҳамкорликларнинг соғлиғига, уларнинг обрўсига ёки руҳий осойишталигига, моддий қадриятларига ва бошқаларга путур етказади. Ўзгаришларни уларнинг турига қараб турлича тушуниш мумкин: мас., менинг устимдан кулишаётгани учун бизнинг бегона эканлигимизни, бизнинг дўст эмаслигимиз, бир-биримизни тушуна олмаслигимизни, мени масхара қилишаётганлиги ва кўплаб бошқа нарсаларни англай бошладим.

Мазмун – бевосита ҳиссий кечинмалар давомида ёки онгда акс этувчи қандайдир объект ўртасидаги муносабатни хира бўлсада англаш ва субъект ҳоҳишлиарига кўра пайдо бўладиган психик яхлитликдир. Бир нарса мен учун керак, эҳтиёжи бор, бошқаси эса – йуқ, керакмаслигини эътиборга олиб, айтишадики, «бу мен учун мазмунга эга» ёки «бунинг мен учун мазмуни йўқ» ташқаридан қараганда бир нарса бўлиб туюлган юмуш (ўра қазиш) ёлланган ер қазувчи учун даромад қилиш мазмунига эга, археолог учун қандайдир буюк тарихий муаммони ечиш, тасодифий йўловчи учун эса пиёдалар йўлининг бузилаётганлиги унга қандайдир бузғунчилик мазмунига эга бўлиб туюлади.

Меъёр – объектнинг сифат ва микдорий жихатлари ўзаро боғлиқлигини англатадиган, мазмунин ва шакл имконият ва воқеилик ўртасидаги зарурий уйғунлик таъминланишини ифодалайдиган фалсафий тушунча.

Мослик – кишилардан ҳаракат қилиш келишувини ва яхши ўзаро бир-бирини тушунишини талаб қиласидиган биргаликда ишлаш, вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш қобилияти.

Мотивация – инсон ҳулқ – автори, унинг боғланиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмuinи билдиради.

Менталитет – индивид ёки ижтимоий гурухнинг миллатнинг ўзига хос тафаккур тарзи, воқеликни маълум бир тарзда тушуниши ва ва бирликда харакат қилишга тайёрлиги ва мойиллиги.

Мотив – шахсдаги у ёки бу хулқ – авторга нисбатан турган мойиллик.

Мардлик – ўзини пухта билиш дадиллик, қатиатлик, чидам ва тоқат пайларида намоён бўладиган қучли ирода.

Нутқ – овоз берилган тил, у ёки бу тил белгиларини англатувчи овоз сигналларининг инсон томонидан қўлланиладиган тизимири.

Онг – ҳайвонлар психикасидан фарқли равишда бутун инсон психикасини ифодалашда фойдаланиладиган термин. Инсон психикаси (онг) белгилилик (онг «хужайраси» белгиларнинг мураккаб тизимини ҳосил қиласи), қуроллилик (истаган онг бирлиги предметлар дунёсини акс эттириш воситаси сифатида фойдаланилади), предметлилик (ташқи дунё элементлари билан мутаносиблиги ва қатъий уюшганлик (белгилар ва қуроллар тизими кўплаб ўзаро мутаносиб категорияларни вужудга келтиради) хусусиятлари билан характерланади.

Онгсизлик англаб бўлмайдиган – аниқ, равshan англаш назорати учун предмет бўла олмайдиган кўплаб психик ҳодисалар тўплами. Онга ҳар бир дақиқада бир вақтнинг ўзида чекланган микдордаги тасаввурлар бўлиши мумкин (ўртacha тахмин қилишларича 7 ± 2). Бунда ушбу дамдаги англанмаган тасаввурларни биз аниқ онг зонасига осон «чақиришимиз» мумкин («ҳоҳлаганинг учун эсладинг»), лекин жуда кўплаб психик бошқариб турувчилар (регуляторлар) шундай ишлайдики, бунда инсон на фақат ўз-ўзига ҳисоб бермаслиги мумкин, балки буни у ҳаттоқи ҳоҳлаган тақдирда ҳам уни қила олмайди. Масалан, соатнинг айлана шаклдаги циферблатини идрок қилаётганда бизнинг кўз қобиғимизда айлана эмас, балки эллипс (агар соатга ёндан қарасак) ҳосил бўлиши мумкин, бироқ соат қандай ҳолда турса ҳам биз циферблатни «айлана» сифатида идрок қиласи. На фақат субъект идроки томонидан англана олмайдиган, балки психологияда янги шуғулланаётган киши учун ҳам тушунарсиз бўлган бу геометрик маънодаги ҳол психика механизmlари туфайли рўй беради (каранг: доимийлик идрок хоссаси сифатида) ҳиссиётларнинг баъзи қисмлари («яхши», «маданиятлилик» билан сигиша олмайдиганларини) онгдан сиқиб чиқарилади, лекин З.Фрейд таълимотига кўра, улар ҳатти-харакатни сезиларли ҳолда бошқаришда давом этаверади ва ҳаттоқи ички зиддиятларга ва асаб касалларикларини ҳам келтириб чиқаради. Психоанализнинг (бу термин фрейдизм томонидан мустаҳкам ўрнашиб қолган, шунинг учун ҳар қандай психика таҳлилини (анализини) психоанализ деб атамаслик керак) психотерапевтик амалиёти шунга асосланганки, сиқиб чиқарилган ҳиссиётларни топиб англаш предметига айлантириш лозим. Бу психоаналитикдан жуда катта ва ўтқир маҳоратни талаб қиласи (ўзини шундай деб ҳисолайдиганнинг кўпчилиги, афсуски, нафака бу борада малакасиз, балки манфаатпараст ҳамдир).

Орзулар – инсоннинг келажак тўғрисидаги, хаёлига келган ва у учун муҳимроқ эҳтиёжлар ва қизиқишларни рўёбга чиқариш борасидаги режаларидир.

Оптация –(лотинча сўз – ортатио – хохиш, танлов) танлов босқичи. Одам томонидан профессионал тараққиётнинг босқичи танланишидир деб эътироф этилади. 11-12 ёшлар, 14-18 ёш даврларни ўз ичига олади.

Оптимизм – кечаётган воқеа ва ходисалар жараёнига нисбатан билдирилган икки хил қарама – қарши фикрлар ёки муносабатларни яхшиликка йўйиш.

Панелог – гурух ичидаги мунозарадир

Психодиагностика (грекча psyche – рух ва diagnostikos – билишга қодир) – психологик фан соҳаси бўлиб, шахснинг индивидуал – психик хусусиятларини ўлчаш ва аниқлаш усулларини ишлаб чиқади.

Психотерапия (грекча therapeia – парвариш қилиш, даволаш) – кўплаб психик, асабий ва психосоматик хафагарчиликларда инсон ҳиссиёти, фикрлари, ўз-ўзини англашига комплекс даволовчи таъсиридан (асосан нутқ ёрдамида, бироқ фақат унинг ёрдамида эмас). Шартли равишда асосан мавжуд алломатларни йўқотиш ёки юмшатишга қаратилган клиник мақсадли психотерапия ва инсонга унинг социал мухити ва ўз шахсига нисбатан муносабатини ўзгартиришга ёрдам беришни вазифа қилиб олган шахсий мақсадли психотерапия мавжудлиги эътироф қилинади.

Психо анализ – руҳий хасталикни даволаш усули ва психологик таълимот.

Психотехника (грекча techne – санъат, маҳорат) – психик жараёнларни содир бўлиш характеристикасини яхшилаш, мавжуд психик қобилиятларни ўстириш ва янгиларини шакллантиришда қўлланиладиган конкрет методик усуллар ёки усуллар тизимиdir.

Предикатлар мантиғи – муҳокама юритиш жараёнларининг мулоҳазаларнинг ички структурасидан келиб чиқиб таҳлил қиласидаги мантиқий система. У мулоҳазалар мантиғини ўз ичига олади. Предикатлар мантиғи тили мулоҳазалар мантиғи тилига қўшимча символлар киритиш ёрдамида ҳосил қилинади.

Репродуктив – фикрлашни бир тури.

Референт гурух (лот. referens – хабар берувчи) – киши учун эътиборли бўлган, қадриятлари, фикрлаш ҳулқ-автор, нормалари ва қоидаларини сўзсиз тан

олувчи ва уларни ўзи учун қабул қилувчи кишилар гурухидир.

Рефлексия – айнан ўзига ўхшашиб одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантириш.

Рол – шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятидаги ҳукуқ ва бурчларидан иборат.

Сезги – қўзғатувчиларнинг идрок аъзолари рецепторларитга таъсири туфайли вужудга келадиган, объектив дунё хоссаларининг субъектив инъикосидир.

Социал индивид – барча кишилар учун умумий бўлган, белгилар, қуроллар билан ишлашда боғлиқ бўлган маҳсус инсоний тавсифларни акс эттириш, жамиятда қабул қилинган норма ва қоидаларни ҳисобга олиш, социал вазифаларни бажаришдир. Гап шахсий ёки индивидуал жиҳатлар тўғрисида кетаётгани йўқ.

Социал мұхит – инсоннинг аниқ мақсадлар режалар асосида фаолият күрсатадиган дүнёси.

Севги – бу нафақат хиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобилияти ва севилиш унинг асосий мезони – “инсоний фазилатлар” ҳисобланади.

Симпатия – ўзаро ёқтириб қолиш, бу севгининг илк босқичи ҳисобланади. Бунда асосан севги обьектнинг ташқи жозибаси рол ўйнайди.

Талант (грекча talantron – дастлаб ўлчов, мезон, кейин эса күчма маңнода – қобилиятлар даражаси) – инсон қобилиятларининг, энг аввало у ёки бу турдаги фаолиятда улкан ютуқларга эришишини таъминловчи маҳсус юксак ривожланиш даражаси.

Ташаббускорлик – характернинг қимматли хислати бўлиб, бу хислат кўпчилик кишиларда оммавий тус олгандир.

Темперамент (лот. temperamentum – қисмларнинг тегишли мувофиқлиги, мутаносиблиги) – инсон ҳулқ-атвори ва психик жараёнларининг динамик характеристикаси бўлиб, уларнинг тезлиги, ўзгарувчанлиги, самарадорлиги, ишчанлиги ва бошқаларда намоён бўлади.

Тафаккур – турли масалаларни (назарий ва амалий) ечишга қаратилган ва бу юмушни адo этишни (жавоб топишни) таъминлайдиган кўплаб психик жараёнлар, ҳаракатлар, ҳолатлардир. Тафаккурни функционал тизим сифатида жалб қилиш қисман онгли, қисман одатлар, малакалар ва асаб тизими томонидан юзага келтирилган инсоннинг илгариги тараққиёти, тарбияси, ўз-ўзини шакллантиришдан иборат беихтиёр ҳаракатлари туфайли амалга оширилади.

Тил – инсон алоқалари, тафаккури учун ахборотни асрash ва авлоддан авлодга етказиб бериш воситаси бўлиб хизмат қиладиган белгилар тизимиdir.

Унумтиши – эслаш ва ёд бўлиб қолган ёки ўзлаштирилган материални қайта хотирлаш имкониятининг аста-секин сўниб боришини акс эттирувчи жараёндир.

Фантазия- ҳаёлнинг борлиқдан, ҳақтқатдан бироз узоқлашув жараёниdir.

Физиономика – одам юз қирралари ва уларнинг нисбати орқали одамнинг хусусиятларини ўрганиш.

Фаолият – инсоннинг воқеиликни, ўзини ўзи ижодий ўзгартириш, такомиллаштириш, мукаммаллаштиришга йўналтирилган фаоллиги. Психологик жиҳатдан ички эҳтиёжни қондириш дея талқин этилади.

Характер (грекча charakter – босиш, зарб қилиш) – инсоннинг фаолияти ва муносабати туфайли шаклланадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлари йигиндиси бўлиб, унга хос бўлган ҳулқ-атвор ва ҳаётий ҳолатларга жавоб бериш усулларини белгилайди. Характерда инсон учун хос бўлган, стандарт вазиятларда қўлланиладиган, ҳаётий вазифаларни қўйиш ва ечиш усуллари ўз ифодасини топади.

Ҳис-туйгу – инсоннинг нисбатан барқарорлиги, умумийлиги, унинг шахс сифатидаги тараққиёти давомида шаклланган эҳтиёжлари ва (хусусан) қадриятларига мослиги билан фарқ қиласидиган юксак ўзаро маданий боғланган хиссиётларидир.

Ҳаяжонланиш – (лот. етөвео – ҳайратга солмоқ, ҳаяжонга соламоқ) – психик ҳодисаларнинг алоҳида тоифаси бўлиб, субъект томонидан бу ҳодисалар, предметлар ва вазиятлар инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун бевосита қизиққон кечинмалари кўринишида намоён бўлади.

Ҳаёл – инсоннинг субъект сифатидаги онгидан бутун ҳолда идрок қилинмаган ёки сезги аъзолари ёрдамида идрок этила олмайдиган объексларнинг инъикосининг (тасаввурлар, схемалар ва бошқа образ-моделларнинг) ёки жўрттага пайдо бўлишига ёхуд атайлаб қурилишига олиб келувчи билиш фаоллигидир. (мас., келажакни мўлжаллаган тарих ҳодисалари идрок этила олмайдиган ёки умуман мавжуд бўлмаган дунёнинг воқеалари – мифлар ва эртаклардаги ҳайри-табиий персонажлар ва б.)

Ҳаётий маънолар – бу инсон учун унинг борлиқ билан бефарқ бўлмаган шундай алоқалари мажмуасики, уларда инсоннинг уни ўраб олган воқеиликдан обьектив боғлиқлиги сифатида ҳам, унинг эҳтиёжлари ва интилишлари кўринишида ҳам ўз аксини топади. Биз кундалик ҳаётимиз давомида ҳаттоки, кўп ҳолларда ўзимизнинг турмуш психологи эканлигимизни ҳам унуган ҳолда улардан жуда кўп фойдаланамиз. Бу ўринда «турмуш» сўзидан ташқари «кундалик психология» ёки «одатий психология» дейиш ҳам мумкин. Турмуш (одатий) психологияси кундалик онг таркибида киради.

Хотира – инсоннинг ўтмиши тажрибасини эслаб қолиш, фикрий ташкил қилиш, сақлаш ва қайта эслашга йўналтирилган кўплаб психик жараёнлари, ҳатти-ҳаракатлари, ҳолатлариdir.

Ҳатти-ҳаракат – инсоннинг ахлоқий ўз-ўзини кўрсатиш моменти бўлиб, бунда у бошқа кишига нисбатан муносабати, ўз-ўзига, гуруҳ ёки жамиятга, умуман табиатга нисбатан шахс сифатида ўзини намоён қиласди. Ҳатти-ҳаракат фаолият ёки фаолиятсизлик; сўзларда билдирилган позиция; имо-ишора кўринишида, қараш, нутқ оҳангি, матннинг маъноси шаклидаги бирон нарсага нисбатан муносабатда жисмоний тўсиқларни енгиб ўтиш ва ҳақиқатни излаш томон йўналтирилган ҳаракатда кабиларда ифодаланади. Ҳатти-ҳаракат – социал ҳулқ-атворнинг асосий бирлигидир, унинг ҳамиша гувоҳлари бўлади: ўзининг социал ифодасини топмаган ички ечими ҳали ҳатти-ҳаракат бўла олмайди. Шунинг учун ҳатти-ҳаракат орқага қайтмас характерга эга, уни «қайта ўйнаб» бўлмайди – айнан шу ердан содир этилган ҳатти-ҳаракат учун шахсий жавобгарлик вужудга келади. Ҳатти-ҳаракатда инсон шахс сифатидагина намоён бўлиб қолмасдан, балки ушбу сифатда шакланади ҳам.

Қайта ҳосил қилиш – кузатиш мумкин бўлган у ёки бу белгилар шаклидаги фаоллашган мазмуннинг қайта тикланиши ва қайта қурилишидан иборат бўлган ақлий ҳодисадир.

Ўйлар – инсоннинг ҳаётидаги келажак ҳаёт манзараларини акс эттирадиган ширин тасаввурлари, фантазия ва орзу-ниятлариdir.

Шахсий контакт – ўзаро ҳамкорларни ягона социал бутунликка (икки, уч ёки кўпроқ кишилардан иборат) бирлашув даражасини англатувчи шахсий муносабат тавсифидир.

Шахс эркинлиги – инсонларнинг ўз хаёти ва фаолиятини амалга ошириш, озод шахс сифатида меҳнат қилиш, билим олиш, ўзи истаган касб, хунарли, диний эътиқод ва бошқалар ихтиёрий танлаш.

Шахс – инсон активлигига хос психик бошқарувчиларнинг махсус инсоний тизими, психикадаги шундай барқарор функционал тизимки, унинг ёрдамида инсон ўзи истиқомат қиласидиган муҳитда ташаббускор, мақсад сари интилевчан бўлибгина қолмасдан, балки яхшилашга ҳам қодир бўлади. Инсон шахс сифатидаги фазилатларни эгаллаганлигининг асосий белгиси унинг турли ҳатти-харакатларни содир қила олиш қобилияти, яъни бир-бирини инкор этувчи имкониятларни танлаш, ўз ҳаёти ҳамда ўзгалар ҳаёти билан ҳам боғлик бўлган кўплаб муҳим моментларни сарҳисоб қила олиши, ўз ҳатти-харакатлари учун маъсулиятни ўз зиммасига ола билиши кабилардир.

Шахсий алоқадорлик – бу боғлиқликнинг динамик жиҳати бўлиб, ҳамкорлар ўртасидаги мақсадга эришишда қўлланиладиган воситаларни келиши, улардан ҳар бирининг қўллайдиган стратегиясини координация қилишини таъминлайди. Алоқадорлик боғлиқликни иштирокчилар манфаатига мослаштиришнинг тез мослашувчан механизмидан иборат. У келишув ўзаро ҳамкорлик ёки курашга, ҳар бир томоннинг ўз мақсадига эришиши учун ундаши, муаммо ва вазифаларни ўзича тасаввур қилиши, уларни ҳал қилишнинг ўз усул ва воситаларидан иборат бўлиши мумкин.

Шахсий муносабат – бу ҳамкорликдаги фаолиятнинг эҳтиёжлари туфайли юзага келадиган ва ўзаро алоқадорликдаги стратегиялар келишувини **контактлар** ўрнатилиши ва ривожлантирилишининг мураккаб ва серқирра жараёни, улар ўртасидаги муносабатларнинг ўрнатилиши ва сақлаб турилишидир. Контакт, ўзаро алоқадорлик, муносабатлар, коммуникация ва идрок шахсий муносабатнинг компонентлари ҳисобланади.

Шахсий алоқалар – бу муайян вакт ичидаги ёки ундан ортиқ кишилар ўртасида қарор топадиган барқарор муносабатлардир. Дастреб ўзаро алоқадорлик кўринишида пайдо бўлиб, кейин тез такрорланиши туфайли у барқарор муносабатларга айланади. Муносабатларга мисол: душманлик, мусобақа, муҳаббат, дўстлик, ишбилармонлик муносабатлари. «Жабрдийда-агрессор», «хотинбоз – фарқига етадиган хоним», «инжиқ бошлиқ – сусткаш ижрочи» ва бошқа шунга ўхшаш қарор топган муносабатлар иштирокчилар уларни ўзгартиргунга қадар ноаниқ муддат давомида мавжуд бўлиб туради.

Эҳтиёжлар – инсон ёки ҳайвоннинг нормал яшаши учун зарур бўлган этишмовчиликни акс эттирувчи психик ёки физиологик кескинлик ҳолатидир. Эҳтиёжлар ҳолат сифатида субъектнинг ҳаётий фаоллигининг шу маънода манбаи ҳисобланадики, юз берган кескинликни йўқотишга қаартилган сезиларли таъсир кучига эга.

Қобилиятлар – у ёки бу сермаҳсул фаолиятни эгаллаш маҳорати билан боғлик бўладиган инсоннинг индивидуал – психологик хусусиятлари бўлиб, унинг ёрдамида инсон тенг бўлган бошқа шароитларда ушбу фаолиятни тез ва пухта, осон ва мустаҳкам равишда ташкил қилиш ва амалга ошириш йўлларини ўзлаштириб олади.

Эътиқод – шахнинг шундай онгли йўналишки, унга ўй- қарашлари, принцлари ва дунёқарашга мос тарзда яшашга имкон беради, эътиқоднинг предмети тарлича бўлади. Ватанга, динга, фанга, касбга, ахлоқий нормаларга, оиласа, гўзаллика ва шунга ўхшаш.

Home sapichs – ақлли зот.

Эҳтирос – узоқ вақт давом этадиган ва барқарор бўлган эмационал холат.

Қаттият - баъзи холларда киши қабул қиласидиган қаршиликлар амалга оширишда имкониятларга ишонган холда жуда тез маълум бир қарорга келиш.

Психология фанини ўрганишида унинг қуийдаги асосий методларидан фойдаланилади.

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг вариантлари
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз - ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандаштирилган Гурух ичидаги кузатиш Гурух ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (сухбат) Стандаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест - сўров Тест – топширик Проектив тест социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент лаборатория эксперимент
МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Матиций моделлаштириш Техник моделлаштириш кибернетик моделлаштириш

МУСИҚИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРДАГИ ИРСИЙ ХУСУСИЯТЛАР.

Ота – оналар Болалар	мусиқага мойил	Мусиқага мойил эмас
Мусиқага мойил	85%	7%
Мусиқага мойил эмас	25%	58%

ТАФАККУР ТУРЛАРИ

Шаклига кўра	Кўргазмали ҳаракат кўргазмали образли мантикий
Кўриладиган масаланинг характеристига кўра	назарий амалий
Ижодий элементига кўра	Конвергент дивергент
янгилиги ва ноёблигига кўра	Репродуктив Продуктив (ижодай)

ЁШ ДАВРЛАРГА БҮЛИШ

Ёш даврлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик	1 – 2 ёш	1 – 2 ёш
Болаликнинг 1- даври	3 – 7 ёш	3 – 7 ёш
Болаликнинг 2- даври	8 – 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 – 16 ёш	12 – 15 ёш
Ўспиринлик даври	17 – 21 ёш	16 – 20 ёш
Ўрта етуклиқ даври:		
Биринчи босқич	22 – 35 ёш	21 – 35 ёш
Иккинчи босқич	36 – 60 ёш	36 – 55 ёш
Кексалик даври	61 – 75 ёш	56 – 75 ёш
Қариллик даври	76 – 90 ёш	76 – 90 ёш
Узок умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

ШАХСНИНГ ЎРГАНИШ БҮЙИЧА ПРАКТИКУМ

ЎЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ	5	3	1	-3	-5	ЎЗИНГИЗНИ БАҲОЛАНГ
ОПТИМИСТ						ПЕССИМИСТ
ИШОНЧ УЙГОТАДИ-ГАН						ИШОНЧ УЙГОТАМАЙДИ
ОДАМЛАРНИ ТУШИНАДИГАН						ОДАМЛАРНИ ТУШИНМАЙДИ
ОДОБЛИ, ТАКТЛИ						БЕОДОБ, ТАКТСИЗ
ЭРКИН, ХУШФЕЪЛ						ТОРТИНЧОҚ
МУСТАҚИЛ						ТОБЕ
ЎЗИГА ИШОНЧЛИ						ЎЗИГА ИШОНЧСИЗ
ДАДИЛ						ЮВОШ
КИРУШУВЧАН						ПИСМИҚ
АКТИВ, ФАОЛ						ПАССИВ, ЛАНЖ
ШУБҲАСИЗ						ЛОҚАЙД, БЕҒАМ
ЁН БЕРУВЧИ						ҲАДИКСИРАГАН
АЛЬРУИСТ						ҚАЙТМАЙДИГАН
ФАҲМ - ФАРОСАТ						ЭГОИСТ ОНГГИ ЧЕКЛАНГАН

Аввал ўзингизнинг профилингизни юқоридаги сифатлар бўйича белгилаб, чизиб чиқинг, сўнгра ўртоқларингиздан айнан шу тарзда шу схемада сизни баҳолаб беришларини илтимос қилинг.

Ўзингизни чизган ва ўртоғингиз чизган профилларни бир – бирига солиштирсангиз, ўз – ўзингизга берган баҳони аниқланг.

МУНДАРИЖА

1. Кириш.....	3
2. Матндаги тушунилиши қийин бўлган сўзлар лугати.....	4
3. Психология фанини ўрганишда унинг қўйидаги асосий методларидан фойдаланилади.....	16

**«ПСИХОЛОГИЯ»
фани бўйича ноёб сўз ва атамаларнинг
изоҳли луғати**

Тузувчи: Усмонова М.

Техник мухаррир: Кенжаева Р.

ФарПИ – 2009 йил.